

## Ажойиб дуо



21:00 / 03.07.2019 3339

Шайхул ислом, Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ айтадилар:

Ҳазрати Ҳожи Имдодуллоҳ Маккий раҳматуллоҳи алайҳ бир куни илмий мажлисда шундай деяётган эдилар: Инсонга ҳаётда ғам, мусибат ва машаққатлар етади. Агар инсон ўйлаб кўрса, бу машаққат ва қийинчиликлар ҳам ҳақиқатан Аллоҳ таолонинг неъматларидир. Беморлик ҳам бир неъматдир. Фақирлик ва мухтожлик ҳам бир неъматдир. Агар инсон ҳақиқатни кўра оладиган бўлса, бу барча нарсалар ҳам Аллоҳ таолонинг неъматлари эканини кўради.

Бу нарсалар қандай қилиб неъмат бўлади? деган савол туғилади кишида. Бунинг жавоби ҳадиси шарифда келади. Аллоҳ таъоло охиратда машаққат ва мусибатларга сабр қилганларга беҳисоб ажр савоб беради. Дунёда кўп машаққат ва мусибатларга учрамаган одамлар буни кўриб, дунёда бизга

ҳам мусибат ва машаққатлар етганда эди, биз ҳам сабр қилар эдик ва сабримизга мана шундай ажр савоблар олар эдик, бугун сабр қилувчилар билан бирга бўлар эдик деб орзу қиладилар.

Ҳақиқатда, бу машаққат ва қийинчиликлар неъматдир. Магар биз ожиз бўлганлигимиз сабабли, буларнинг неъмат эканини тасаввур қила олмаймиз.

Ҳазрати Ҳожи Имдодуллоҳ Маккий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деб турганларида, мажлисга бир шахс кириб келди. У ногирон эди ва турли хил беморликларга мубтало бўлган эди. У келиб, Ҳазрати Ҳожи Имдодуллоҳ Маккий раҳматуллоҳи алайҳга: Ҳазрат! Менинг ҳаққимга дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга бу машаққатлардан нажот берсин деди. Ҳазрати Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки, биз ўша мажлисда ҳозир эдик. Биз ҳайрон бўлдик, Ҳазрати Ҳожи Имдодуллоҳ Маккий жаноблари бутун мусибатлар ва қийинчиликлар неъмат бўлади деб турган эдилар. Энди бу шахс ўзидан машаққат ва қийинчиликларни кетишига дуо қилдирыпти. Агар Ҳазрати Ҳожи жаноблари бу шахс учун машаққатларни кетишини сўраб дуо қилсалар, у ҳолда, неъматни кетишини дуо қилган бўлиб қоладилар?

Ҳазрати Ҳожи Имдодуллоҳ Маккий раҳматуллоҳи алайҳ шу пайт қўлларини дуога кўтардилар ва шундай дуо қилдилар: Эй, Аллоҳим! Ҳақиқатда, бу барча мусибатлар ва машаққатлар неъматдир. Лекин, Эй, Аллоҳим! Биз ожизмиз. Сен бизнинг ожизлигимизга назар солиб, бу машаққат неъматини, саломатлик неъматига алмаштириб бер!

***Абдулқайюм Комил таржимаси***